



# ТОПИНАМБУР ТУГАНАКЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Абдуғаниева Феруза Зайирқұловна

докторант (*PhD*), Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар  
институты, Самарқанд шаҳри

**Аннотация:** Мақолада топинамбур туганакларини етишишии, уларни қайта ишилаб халқ хұжалиги учун пархезбоп маҳсулотлар тайёрлашының имкониятлари ва истиқболлари ҳақида маълумотлар көлтирилген бўлиб, шу мавзу бўйича илмий тадқиқот натижалари ўз ифодасини топган.

**Калит сўзлар:** Топинамбур, туганак, кимиёвий таркиб, режим, қуруқ модда, қуритиш усули, сифат.

**Кириш.** Ҳозири даврда инсонларнинг деярли кўпчилигига овқатланиш рационидаги камчилик кўп миқдорда рафинадланган озиқовқат маҳсулотлари, жуда ҳам оз миқдорда ўсимликлар толалари – озиқавий толалар. Озиқавий толалар турли кимёвий табиатли маҳсулотлар элементлари бўлиб, ошқозон ва ингичка ичак ферментлари ҳазм қилаолмайди, лекин ичакнинг фойдали микрофлораси томонидан ишлов бериладига ва инсон ҳаёт фаолияти учун зарурий ҳисобланади.

**Тадқиқот ўтказиш жойи, обьекти ва услублари.** Озиқавий толалар мураккаб углеводлар, моносахаридлар ва уларнинг ҳосилаларининг полимерлари бўлиб, фақат ўсимлик маҳсулотлари таркибида мавжуд. Ҳайвонот маҳсулотларидан тайёрлаган таомлара йўқ. Кўпинча “Озиқавий толалр” атамасини “клетчатка” атамаси билан алмаштирадилар. Бу алмаштириш албатта тӯғри эмас. Клетчатка бу фақат целюлоза, яъни ўсимлик маҳсулотлари хужайра деворчаларининг асосий компоненти.

Клетчатка (целюлоза) ҳам озиқавий тола, лекин ҳамма озиқавий толалар клетчатка эмас. Озқавий толалар турли хил маҳсулотлар гуруҳи ҳисобланади. Баъзи адабиётларда озиқавий толалар тушунчаси инсоннинг ошқозон – ичак йўлидаги эндоген сўлакайлари таъсирида ҳазм бўлмайдиган полисахаридлар ва лигнин йиғиндиси сифатида таъриф берилади. Кўпчилик мутахассислар фикрича озиқавий толалар тӯғрисида бундай таъриф тӯғри деб ҳисобланади.

1970-1980 йиллар адабиётларда “балласт” маҳсулотлар атамаси ишлатилади. Лекин, озиқавий толаларнинг инсон организми учун



қанчалик зарурлиги аниқангандан кейин, бундай атама тұғри келмаслиги тасдиқланды.

Озиқавиң толалар атамаси биринчи бұлиб илмий атама сифатида 1953 йили Е.Н.Hipsley томонидан құлланған. Ҳозирги даврда қуидеги таъриф қабул қилинганды. Озиқавиң толалар - үсімликтарнинг истеъмол қилинадиган қисмлари бұлиб, инсоннинг ингичка ичак йұлларида ҳазм бұлмайдиган ва сұрилмайдиган, йұғон ичак йұлларида тұла ёки қисман ферментацияга учрайдиган, оддий ёғлар, оқсиллар, углеводар ва витаминалар каби овқатланиш балансининг зарурий таркиби дырыпты.

ХХ-асрларнинг 80-жылларыда таркиби баланслаштирилған овқатланиш асосланғандан кейин, балласт маҳсулоттарға яғни озиқавиң толаларға алоҳида эътибор берилади. Шу даврда Японияда бошланған соғлом овқатланиш назарияси, Европа ва Америкада ҳам құлланыла бошланды. Бу назарияга асосан озиқавиң толалар гурухына үсімлик ҳайвонот ва минерал элементлар ёки уларнинг модификацияси ҳам олиниб, улар организмде кечадиан метаболик жараёнларни фойдалы томонға йұналтириш хусусиятига эга.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини, инсоннинг озиқавиң толаларға бұлған талаби камида 30 грамм деб тавсия беради. АҚШ илмий академияси қошидеги таом ва овқатланиш департаменти эса 25-38 грамм деб тавсия беради.

Лекин, дунёning бирорта давлатида ахоли бунча миқдорда озиқавиң толаларни истеъмол этмайды. Ҳатто, бу масалада жуда олдинда деб ҳисобланған. Жанубий Европада ҳам бир кунда 20 граммга яқын озиқавиң толалар истеъмол этилади. Солишириб күриш учун Америкаликлар үртача 12,5 грамм озиқавиң толаларни истеъмол этилади.

Россия тиббиёт фанлари Академияси (РАМН корреспондент альбомы Минкаил ) Гаппаров фикрича, ҳозирги замон ахолиси овқатланиш рационалида ХХ- аср ахолиси рационига нисбатан озиқавиң толалар уч барабар кам бұлиб, тиббиёт мөйөри бүйіча истеъмол этиш тавсия этилади.

**Тадқиқот атижалары.** Озиқавиң толалар углеводлар гурухына кирса ҳам, лекин энергия манбаи эмас. Инсон организмінде улар инсон организмінде үйғон ичакда микрофлорасы таъсирида қисман парчаланады. Масалан, целлюлоза 30-40% га парчаланады, гемицеллюлоза 60-84%, пектин маҳсулотлари -35% гача парчаланады. Парчаланиш натижасыда ҳосил бұлған моносахаридларни (ҳазм бұлады) инсон организмінде бактериялар үзлари ҳазм қилишады. Үйғон ичак



деворларидан, парчаланган озиқавий толаларнинг фақат 1% ҳазм бўлувчи углеводлари сўрилади. Ичаклар микрофлораси таъсирида парчаланган озиқавий толалар таъсирида учувчи ёғ кислоталар ( пропион, масляная ва уксусная) ва газлар (водород, метан ва бошқалар ) ҳосил бўлади. Лигнин инсон организмида умуман парчаланмайди ва ҳазм бўлмайди. Узоқ йиллар давомида озиқавий толаларни “балласт маҳсулотлар” деб аталарди ва озиқовқат маҳсулотларининг озиқавий қийматини кўтариш учун уларни ажратиб ташлашга ҳаракат қилишарди. Озиқавий толалардан тўла ёки қисман ажратилган қатор таркиби рафинадланган маҳсулотлар ишлаб чиқилган: шакар -рафинад, оқ унлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, тўппасидан ажратилган мева ва резаворлар шарбатлари ва ҳоказолар. Ҳозирги даврда ишлаб чиқилаётган ҳар хил ширинликлар, унли қандолат маҳсулотлари таркибидаги озиқавий толалар деярли йўқ. Лекин, озиқавий толалар овқат ҳазм бўлишида ва инсон ҳаёт фаолиятида жуда муҳим ҳисобланади. Овқатланиш рационида озиқавий толаларнинг етишмовчилиги турли касалликларининг келиб чиқишига асосий сабаб ҳисобланади. Буларга мисол тариқасида ичаклар ишининг бузилиши, йўғон ичак қабзияти (ич қотиши) ва дискциезяси, йўғон ва тўғри ичаклар рак касаллиги, ўтхалта касаллиги атеросклероз, ҳам семизлик, қандли диабет, геморрой, оёғ томирлари варикоз кенгайиши ва вена тромбози каби қатор касалликларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги вақтда чет давлатларда озиқавий толаларининг овқатланишда, озиқ-овқат саноатида ишлатишда, озиқ – овқат саноатида ишлатишда ва тиббиёт амалиётида аҳамияти тўғрисида етарли даражада маълумотлар мавжуд.

Озиқавий толаларни ошқозон- ичак йўлари касалликларида, шунингдек айрим юрак- қон томирлари системаси касалликларида: атересклероз, гипертоник, қон босими касалликларида, венанинг варикоз кенгайишида қўллаш бўйича тажрибалар қилинган.

Йўғон ичак бузилиши синдромида буғдой озиқавий толаларини қўллаш ҳозирги вақтда тиббиёт амалиётида тўлиқ қабул қилинган. Озиқавий толаларни алоҳида олинган ҳолатда ва бошқа даволовчи воситалар билан биргаликда қўлаш йўлга қўйилган.

Эпидемиологик изланишлар натижасида аниқланишича, йўғон ичак ракини даволашда озиқавий толаларни парҳез овқатланишда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.



Лекин, турли хил ўсимлик хом ашёлари озиқавий толаларининг кимёвий ва биологик хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган. Озиқавий толалар кампонентларининг сувда эрувчанлиги РН муҳитнинг турли кўрсаткичларида фарқланади. Пектин сувда эрийди, целлюлоза ва лигнин эrimайди. Гемицеллюлоз полисахаридларидан арабиноксиланлар нисбатан эрувчан, глюкуроноксилан ва арабиноглюкуроноксиланлар кам эрийди. Деструкция натижасида биополимерларнинг эрувчанлиги ошади.

Озиқавий толаларни ажратиш ва тозалаш усуулларининг асоси, лигно-углевод натриасини парчалаш ва комплексдаги аралашмаларни ажратиб ҳисобланади. Озиқавий толаларнинг кимёвий, физик -кимёвий, биологик хусусиятлари уларни шакллантирувчи полимерларнинг бирламчи структурасининг (тузилишининг) ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Бу хусусиятлардан асосийлари уларнинг сувни сингдираолиши даражаси, сорбцион, ион алмашиниш хусусиятлари, ферментлари, овқат ҳазм қилиш шароитида овқат метаболитлар билан ўзаро таъсир ҳисобланади.

Полисахаридларнинг ферменттатив ёки кислотали гидролизида озиқавий толалар компонентларининг эрувчанлиги ошади. Уларнинг тўлиқ парчаланиши. Овқат ҳазм бўлиш трактининг (йўналишининг) йўғон ичагида, ичак микрофлораси ажратадиган ферментларнинг католизаторлик таъсири натижасида содир бўлади.

Озиқ- овқат маҳсулотларининг озиқавий толалари озиқавий толаларнинг яхши манбаи бўлиб, овқатланиш рационининг зарурий көпоненти ҳисобланади. Озиқавий толалар инсон ичи қотганда ичаклар ишини йўналтиради, йўғон ичак микрофлорасини яхшилайди, ўт халта ҳаракати активлигини кўтаради, организмдан холестеринни чиқишини кўпайтиради, қандли диабетда қанд миқдорини камайтириш хусусиятига эга.

**Хулосалар.** 1. Озиқ – оқат маҳсулотлари озиқавий толаларини ўт халта ва йўғон ичакнинг гипомотор дискинезияси билан касалланганлар қандли диабетлар ичи қотганда овқатланиш рационига қўшиш тавсия этилади.

2. Озиқ – оқат маҳсулотлари озиқавий толаларини натурал ҳолатда, шунингдек хамир тайёрлаш жараёнида, ёрмали, гўштли, сабзавотли, балиқли қиймали толалар тайёрлашда қўшиб истемол қилиш тавсия этилади.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Салихов С.А., Рахимов Д.А. Использование клубней топинамбура сорта «Файз барака» для получения сока // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. - Т.: ТДИУ, 2013, №7-сон.
2. Elmurodov A., Abduzukhurov J.- Scientific basis of Jerusalem artichoke cultivation technology under the Zarafshon valley conditions // International journal of applied and pure science and agriculture.IJAPSA.ISSN 2394-5532Jurnal volume 2, Issue 11, November 2016.-P.118-224. Impact factor 3.762.by SJIF.
3. ЭлмуродовА.А.Топинамбур-ценная культура для биобезопастности продуктов питания // Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журналининг АгроИЛМ иловаси, Тошкент, 2016.- № 3 (41).-Б.48-49.
4. TSH 40-02072446-01/2009. Клубни топинамбура сорта «Файз барака».
5. TSH 40-022072446-03:2009. Сок из клубней топинамбура сорта «Файз барака».
6. ТИ 40-02072446-02:2009. Технологическая инструкция по производству сока из клубней топинамбура сорта «Файз барака».
7. Мавлянова Р.Ф. Культура топинамбура и ее потенциал для использования. // Сборник научных статей. - Т.: ТГЭУ, 2013, с 21-30.